



Охирги пайтларда коммунистик тузум халкимиз бошига келтирган мусибатлар хакида кўп гапирмокдамиз. Шубҳасиз, бу мусибатлар ичида миллатимизни ўз динидан жудо килиши, энг катта мусибат бўлди. Айникса зиёлиларимиз, шоир ва ёзувчиларимизни дину-диёнатдан, иймону-этикоддан узок тутиш учун алоҳида эътибор берилган эди. Баъзи зиёлиларимизнинг ўзлари этироф килганларидек, диндан биринчи бўлиб чикканлар хам ўшалар бўлганлар. Кейинчалик тузум динни-диёнатни, Исломни, иймон эгаларини канчалик кўп коралашига караб шоир ва ёзувчиларни мукофотлаб борди. Динга бир оз моиллик кўрсатганларни эса шафкатсиз жазолади. Окибатда зиёли, шоир ёки ёзувчи деганда худосиз шахс хаёлга келадиган бўлиб колди.

Коммунистик мафкура кулаб, ёвузлик империяси ўзининг охирги нафасларини олаётган пайтда зиёлиларимиз, шоир ва ёзувчиларимизнинг инсофлилари дархол динга кайта бошладилар. Улар Ислом ахкомларига амал килишни бошлаш билан, кўлларидан келганича макола ва шеърлар хам ёзишга киришдилар. Бу урунишларнинг ичида муваффакиятли чикканлари хам бўлди. Бундан барча ахли мўминлар бехад хурсанд бўлдилар. Шу билан бир вактда, исломий асарлар ёзиш жуда нозик иш экани хам англаб етилди. Айникса ёзиш имконига эса бўлганларда исломий билимлар етишмаслиги, ўз тилимизда етарли манбалар йўклиги билиниб колди. Окибатда баъзи хатолар, тортишувлар, норозиликлар хам келиб чиқди.

Бундай холатда шоир ва ёзувчиларимиз билан диний уламоларимиз орасида холисона хамкорлик бўлиши зарурати тугилади. Зотан шундай бўлган хам эди. Аммо баъзи кучлар бу хамкорликка хасад килдилар ва уни йўқ килиш пайига тушиб, кисман максадга эришдилар хам. Лекин бу хамкорлик халкимиз, дину-диёнатимиз учун жуда хам зарур эканлигини хамма тушунмоги лозим.

Хамидуллох Юсуфнинг "Сулаймоннома" достонини ўкиб, бу фикрим яна хам жиддийлашди. Мен Хамидуллох Юсуфни танимайман. Эҳтимол бу менинг камчилигимдир. Эҳтимол она юртдан узоклигим сабабдир. У киши мени маъзур тутсинлар. Номидан кўриниб турибди-ки, достон пайгамбар Сулаймон алайхиссаломга багишланган, у кишининг киссалари хакида сўз юритилади. Мен достонни ўкишни бошлашим билан муаллиф ишончли манба танлай олмаганини тушундим. Маълумки, Аллоҳ таоло ер юзидағи инсонларни хидоятга бошлаш учун кўплаб пайгамбарлар юборган. Улардан машхурларининг киссалари турли халклар орасида турли йўллар билан таркалган. Албатта, пайгамбарлар хамма халклар учун эътиборли бўлганлари учун уларнинг киссалари доимо диккат марказида бўлган. Шу сабабдан пайгамбарлар киссаларини ривоят килиш, ёзиг колдириш ривожланган. Аммо замонлар ўтиши, турли омиллар таъсири остида бу киссаларда бузилиш, сохта хабарлар кўпайиб борган. Илохий китоблар бўлмиш Таврот ва Инжилдаги бузилишлар айникса бунга катта таъсир

килган.

Охир окибатда келиб-келиб бу бузилишларнинг хаммасини Куръони Карим тўгрилаган. Бу хакикатни нафакат мусулмонлар, балки бошка миллат вакиллари хам бугунги кунда тушуниб етмоқдалар. Замонамизнинг кўзга кўринган олимларидан франсиялик олим Морис Букай бу соҳани илмий асосда ўрганиб чиқди ва ўзининг “Таврот, Инжил, Куръон ва замонавий илм” номли китобида киссалар бобида факат Куръони Карим тўгри эканлигини исботлади хамда ўзи мусулмон бўлди.

Айтмоқчиманки, пайгамбарлар хаёти ва уларнинг киссалари хакидаги энг тўгри маълумотлар факат Куръони Каримда бор. Агар муҳтарам Хамидуллоҳ Юсуф хам ўз достонига Куръони Каримни масдар килиб олганида келажакда гапириладиган хатоларга йўл кўймаган бўлар эди. Пайгамбарлар хаёти ва киссалари хакида иккинчи ишончли масдар, Пайгамбаримиз саллоплоҳу алайхи васалламнинг хадисларидир. Колган масдарларга жуда хам эҳтиёт бўлиб ёндашиш ва улардаги маълумотларни Куръон ва хадис ўлчови билан ўлчаб кўриш зарурдир. Айникса бизнинг туркий тилимизда ёзилган жангнома ва киссаларда кўплаб кўпол хатоларга йўл кўйилган. Афсуски, ўша ишончсиз китоблар турли максадларда кирилл харфларига ўгирилди ва чоп килинди. Уларни ўкиган одамлар, нотўгри маълумотлар олмоқдалар. Улардан фойдаланган шоирлар нотўгри шеър ва достонлар ёзмоқдалар.

Яна такидлаб айтмоқ лозимки, мазкур хато ва ноаникликлар нафакат туркий китобларда, балки арабча, форсча китобларда, хатто кўпгина тафсир китобларда хам бор. Бунга хам турли омиллар сабаб бўлган. Айникса, яхудийлардан Исломни кабул килган кишилар, Куръони Карим оятларида келган хабарларга мос Бани исроилликларнинг киссаларини айтиб беришлари кўпчиликка таъсир килган ва ўша киссалар ривоят килиниб тафсир ва бошка китобларимизга кириб колган. Бани Исроилнинг бундай киссаларини “исроилиёт” дейилади. Одатда “исроилиётлар” пайгамбарларга нисбатан беодоблик, уларнинг шаънларига тўгри келмайдиган хабарлар билан машхурдир. Мухтарам Хамидуллоҳ Юсуфнинг “Сулаймоннома”сида хам бу нарса очик-ойдин кўриниб турибди.

Аввалдан айтиш лозимки, биз достонни сўзма сўз тахлил килмокчи эмасмиз. Баъзи муҳим масалаларга тўхтаб ўтмоқчимиз холос. Бу сатрларни ёзмоқдан максад шоирни танкид килмок, айбламок эмас, балки йўл кўйилган хатоларни зикр этиш, бу билан бошкаларни бундай хатоликлардан кайтаришdir.

Достонда Сулаймон алайхиссалом пайгамбар бўлганларидан кейин икки марта Шайтоннинг макрига дуч келишлари, сал бўлмаса йўлдан адашишлари мумкинлиги узок хикоя килинади. Аввало "Иблис макри ёхуд нигини хотам" бобида Шайтон эгнига ок кийган мўйсафид, киёфасида келиб Сулаймон алайхиссаломни йўлдан урмокчи бўлади. Иккинчи марта "Имтихон" бобида сахрода адашиб юрган Сулаймон алайхиссаломни шайтон бир гўзал дилдор сифатида кимховий бир чодир олдида кутиб олиб игво килишга уринади. Ислом акийдаси бўйича Пайгамбар алайхиссаломлар бундай нарсалардан поклар. Улар бу ишларга йўликмаганлар, йўликмайдилар хам. Йўлида кўринган чол сифатидаги ёки гўзал аёл сифатидаги шахснинг гапига учиб кетаверадиган шахс Аллохнинг танлаган пайгамбари бўла олмайди.

Достондаги "Нигини хотам мавхи" тўлалигича "исроилиёт"дан иборат. Бу ходисанинг хulosаси шулки, Сулаймон алайхиссалом тахоратга кираётиб нигини хотам-мўжиза узигини канизакка берибди. Девларнинг маккори Хакик кулай фурсатдан фойдаланиб Сулаймон алайхиссалом шаклида келиб канизакдан узукни олиб, у кишининг тахтларига ўтириб олиб, ўз хукмини юрита бошлабди. Сулаймон алайхиссалом тахоратдан кайтиб келганида у кишини хеч ким танимабди. У киши хору зор бўлиб юрибдилар. Тавба килибдилар бўлмапти. Охири еру осмонлар у кишининг гунохини кечишини сўраб Худога нидо килган экан кабул бўлибди. Бу хам асоссиз эканини мўътабар уламоларимиз, жумладан машхур муфассир И smoil ibn Kasir раҳматитуллохи алайхи илмий асосда баён килганлар.

Шунингдек, "Сулаймоннома" достонида кўп иборалар ноўрин ёки нотўгри ишлатилган. Буларга майли дейликда нотўгри тушунчалар хакида бир оз сўз юритайлик.

"Сулаймоннинг туғилиши" бобида у кишининг оталари Давуд алайхиссалом номидан Аллохга нола этиб:

Анга шундай бир тахт айлаким насиб,
Хеч ким бундай тахтга бўлмасин соҳиб, дейилади. Аслида эса бу сўровни Довуд алайхиссалом эмас, Сулаймон алайхиссаломнинг ўзлари сўраганлар. Пайгамбарлар хакидаги гапда бундай ноаниклика йўл кўйишга хеч кимнинг хакки йўқ.

"Иблис макри ёхуд нигини хотам" бобида:

Оlamни титратиб сўнг учинчи бор

Таралди: "Ол!!!" деган хитоб Жаббор, дейилади. Яъни, Аллох таоло Сулаймон алайхиссаломга бевосита хитоб килиб гапиргани айтилади.

Аслида Аллох таоло факат икки пайгамбар, Мусо ва Мухаммад алайхиссаломларгагина бевосита хитоб килган, бошкаларига факат фаришта оркали вахий юборган. Бу хам Аллохнинг, хам пайгамбарларнинг хаккига одобдан эмас.

"Вуҳушлар хамласи" бобида:

Пешин намозини ўкиб Пайгамбар

Девларнинг ишидан олмишдир хабар", дейилади.

Бамдод, Пешин, Аср, Шом ва Хуфтон намозлари Мухаммад саллоллоҳу алайхи васаллам шариатларида бор. Лекин Сулаймон алайхиссалом шариатларида Пешин намози борлигини хеч ким айтмаган. Ўзича айтиб юбориш яхши эмас.

"Имтихон" бобида Сулаймон алайхиссалом номидан бир жойда:

"Наҳот телба бўлдим, наҳотки, наҳот?

Акрамал Акрамин, ўзинг бер нажот!" дейилади. Бу холат хеч бир пайгамбар шаънига тўгри келмайди. Ўзини баъзи холда телба сезган одам хеч качон пайгамбар бўла олмайди.

“Нигини хотам махви” бобининг охиррогида:

“Бирдан еру осмон этдиким нидо:

“Расулинг гунохим афв этгил Худо!”

Парвардигор тинглаб улар дилҳоҳин

Магфират айлади набий гунохин”, дейилади. Бу жуда оғир гап. Набий гуноҳ килмайди. Аллоҳ набийларни маъсум этган. Улар гуноҳ килишлари мумкин эмас.

Диний маълумотларни кишиларга шеърий йўл билан етказиш жуда хам масулиятли иш. Шеърий услубнинг ўзига яраша жозибаси бор. Наср ёки хутбадан кўра яхширок таъсир килиши мумкин. Севимли Пайгамбаримиз Мухаммад саллоллоҳу алайхи вассаллам хам: “Шеърда хикмат бордир”, деганлар. Шунинг учун шоирларимизнинг бу борадаги урунишларини кўллаймиз. Аммо улардан ражоимиз шулки, диний мавзуда бирор нарса ёзишидан олдин биладиганлардан керакли маълумот ва маслаҳатларни олсинлар, ёзиб бўлиб хам нашр этишидан олдин биладиганларга кўрсатсинлар. Ана шунда яхши бўлади.

Мухтарам биродаримиз Хамидуллоҳ Юсуфга килган хайрли уринишлари учун ташаккурлар айтамиз. У кишига насиҳатимиз шулки, Пайгамбар Сулаймон алайхиссаломга нисбатан ўзларидан баъзи беодобликлар учун тавба килсинлар. Ўз достонлари “Сулаймоннома”ни билимдон кишилар ёрдамида кайта кўриб чиксинлар. Ўндаги исроилиётлардан воз кечиб, ноаниклиқ ва хатоларни тузатсинлар. У кишининг бу достонларини нашр этганлар ўз ўкувчиларидан узр сўраб хакикатни уларга етказсалар айни муддао бўлар эди.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, "Тарих омонатдир" китобидан (1995)